



Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан амалга оширилаётган банк тизимини ислох қилиш ва эркинлаштиришга қаратилган изчил чора-тадбирлар иқтисодий тизимнинг янада юксалиб, халқимиз фаровонлигининг ошишига хизмат қилмоқда.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг иқтисодий тизимга салбий таъсирини қийинлаштириш, аҳоли бандлигини таъминлашда истеъмолга талаб ва эҳтиёжга тез мосланувчи кичик бизнеснинг ўз ўрни бор. Мамлакатимизда қишлоққа саноатнинг кириб бориши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашда тижорат банклари алоҳида ўрин тутати.

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

экспорт имкониятларини кенгайтиради. "Микрокредитбанк" кўрсатаётган имтиёзли микролизинг хизмати завод кураётган ишбилармонларга зарур техника воситаларини харид қилишда қўл келаётди. Жумладан, юртимизда бир неча йилдан буён аъёнаний тарзда ўтказиб келинаётган

якка тартибда ўз бизнесини очган қарийб 5 минг нафар хотин-қизга 5,9 миллиард сўм микролизинг маблағи сармоғи берилди. Шунингдек, ёш оилаларнинг тадбиркорлик йўналишидаги ишларини ташкил этиш, уларнинг бандлигини таъминлаш орқали оилада даромад манбаини яратиш учун қарийб 4,3 минг ёш оиланинг муурожаати ижобий ҳал этилди.

"Микрокредитбанк" миқозларга қулайлиқ яратиш мақсадида хизмат кўрсатиш доирасини тобора кенгайтирмоқда. Хусусан, қишлоқда касоначилик ва саноатни жадал ривожлантириш учун сармоғлар ажратмоқда. Тикувчилик, қайта ишлаш ва мебель саноати ҳамда хунармандчиликни ривожлантириш учун қарийб 7 миллиард сўм ажратилди. Шунингдек, иссиқхона ташкил этиш, чорвачилик, паррандачиликни ривожлантириш, маҳаллий хомашдан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби йўналишлар учун 54,1 миллиард сўм сарфланди.

"Микрокредитбанк" миқозлари ажратилган кичик сармоғлардан унумли фойдаланиш, ишлаб чиқаришда улкан ютуқларга эришиш билан бирга янги иш ўринлари яратмоқда. Мисол учун, хивалик тадбиркор Меҳрибон Маткаримова банкдан кредит олиб ташкил қилган гилам тўқишни ва кашта тикишни йўлга қўйди ҳамда 20 та иш ўрни яратди. Эллиққалъа туманидаги "Дилмурод-Дирёбек" қорхонаси раҳбари Давронбек Қобулов банкнинг "120-миллиард кредит" соғирни эгаси бўлган эди. Ҳозирги кунда 40 дан ортиқ иш ўрнига эга бўлган қорхонада тайёрланган қурилиш материалларига талаб охири бораётди.

"Микрокредитбанк" бераётган кичик сармоғлар юртимизда тадбиркорлар сонининг ортиби, янги иш ўринлари яратилишига ва аҳоли фаровонлигининг янада ошишига хизмат қилаётди.

Сайёра ШОЕВА, ЎЗА Шарҳловчиси.



Қишлоқ аҳолиси учун яқко тартибдаги ўй-жойлар хайрли ишларнинг амалий босқичи бошланди

Бухоро Вилояти

Ҳар бир минтақа талаби акс этган ҳолда

Бухоро шаҳрида қишлоқ аҳолиси учун яқко тартибдаги ўй-жойларнинг лойиҳалари ва қурилиш материалларининг иқтисослаштирилган минтақавий кўргазмаси бўлиб ўтди.

Унда Бухоро, Навоий, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидан ташриф буюрган соҳа мутахассислари, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришга иқтисослашган қорхона, фирма, тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари ва маҳалла фуқаролари раислари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди. Иштирокчилар эътиборига "Қишлоқ қурилиш инвест" иқтисослаштирилган шўба инжиниринг компанияси, "Қишлоққурилишлойиҳа" бош лойиҳа-қидирув ҳамда Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шахарсозлик қадасири Давлат институтлари томонидан тақлиф этилган 1 ва 2 қаватли ўйларнинг макетлари ҳавола қилинди.

Маълумки, айни кунларда ҳар бир вилоятда ушбу лойиҳалар асосида ўй-жойлар қурилиши бошлаб юборилган. Жумладан, Бухоро вилояти Ғаждувон туманидаги Ғаждумак ва Вобект туманидаги Харғуш қишлоқ фуқаролар йиғинида қад ростлаётган 40 та янги ўй жорий йил охиригача ўз эгаларига топширилади. Келгуси йилда эса ана шундай ўйлардан 600 тасини қуриш режалаштирилган. Кўргазма жараёнида қурилиш ташкилотлари ва қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ўртасида икки томон учун ҳам манфаатли шартномалар имзоланди. "Қишлоқ қурилиш банк" мутахассислари томонидан ўй-жой қуриш учун ажратилган имтиёзли кредитлар масаласида тушунтириш ишлари олиб борилди.

Х.АҚИЕВ

Самарқанд Вилояти

Замонавий ўйлар қад ростламоқда

"Қишлоқ қурилиш банк"нинг Самарқанд вилояти минтақавий филиали бошқарувчиси Қасим Собировнинг таъкидлашича, Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида мазкур банк томонидан қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилда ушбу банкнинг имтиёзли кредити асосида Пастдарғом туманининг Ғалабут, Жомбой туманининг Каттақишлоқ, Пахтачи туманининг Зиёвиддин қўргони ҳудудларининг ҳар бирида 20 та оилага мўлжалланган жами 60 та замонавий лойиҳалар асосида ўй-жойлар қурилмоқда. Ҳозирда ўйларнинг девори пилиқ ғиштдан тикланиб, том усти ёпиқмоқда.

Банк бўлимларида ўй-жойларга талабдор фуқаролар томонидан дастлабки 25 фоиз бадал, яъни, 1 миллиард 20 миллион сўм топширилди. Келгуси 2010 йилда эса ана шундай ўй-жойлар вилоятнинг барча туманларида қурилиши режалаштирилган.

Мамадири ЗИЁДИНОВ, "Qishloq hayoti" муҳбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

Янги посёлкалар бунёд этилмоқда

Хўжайли тумани Ойбек номи фермер хўжалиқлари бирлашмаси ҳудудида намунавий лойиҳалар асосида янги посёлка қурилиши бошланди.

— Амалдаги йилда 20 та турар-жой бош режага биноан бунёд этилади, — дейди туман ҳокими Уринборини Максет Утамуродов. — "Қишлоққурилишлойиҳа" институти томонидан тайёрланган намунавий лойиҳалар аҳоли учун жуда қулайдир. Ҳар бир турар-жой 4 хонадан иборат бўлиб, алоҳида иситиш тармоқлари, ошхона, санузел бўлади. Янги иморатларни "Эл қўри" қурилиш қорхонаси бунёд қилляпти. Янги йил арафасида 20 та ўй фойдаланишга топширилиб, ховли тўйларни ўтказилади. Умуман, янги қишлоқда яқин келажакда 110 та замонавий ўйлар қурилиши режалаштирилган.

Бундай намунавий лойиҳалар асосида Эллиққалъа, Көгейли, Нукус ва Кўнгрот туманларида ҳам янги қишлоқлар қад ростламоқда.

Абдурахмон ИСКАНДАРОВ, "Qishloq hayoti" муҳбири.

КИЧИК САРМОЯНИНГ КАТТА ФОЙДАСИ

Осиё ва Европадаги микрокредит берувчи жаҳоннинг энг яхши 100 банкни сафига қабул қилинган "Микрокредитбанк" 5 олмосли микромолиявий хизматлар кўрсатувчи банк сифатида эътироф этилди. Банк жорий йилда VISA халқаро тўлов тизимига қабул қилинди.

Айни вақтда банк кредит сифатида белгилаб олинган устувор йўналишларда асосий эътибор кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига микромолиявий хизматлар кўрсатишга қаратилмоқда. Тадбиркорлик орқали ички бозорни тўлдирадиган ишлаб чиқариш объектларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш мақсадида жорий йилнинг ўтган даврида 90 миллиард сўмлик микромолиявий хизматлар кўрсатилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,1 баробар кўп демакдир. Мазкур маблағлар ҳисобидан 87 миңдан зиёд янги иш ўрни яратилди.

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури асосида қишлоқда замонавий ва сифатли сервис хизмати турларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилиб, 8,4 миллиард сўм миқдорда сармоғ ажратилди. Ушбу маблағ умумий



овқатланиш объектлари, транспорт ва телекоммуникация хизматлари ташкил этиш, маъий хизмат объектларини ишга туширишга йўналтирилди. Натижада 60 турдаги сервис хизмати йўлга қўйилди.

Сервосил замимизда етиштирилган маҳсулотларга дунё миқёсида талаб юқори. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг қайта ишланиши ички бозор тўқинлигини таъминлаш баробарида

"Агроинитех-Экспо" кўргазмасавдосида гўшт, сут, мева ва сабзавотларни қайта ишлайдиган замонавий ускуналар харид қилиш учун йирик миқдорда микролизинг хизматлари кўрсатилмоқда. Жорий йилда банк томонидан кўргазма-савдода 539,4 миллион сўмлик микролизинг хизматлари кўрсатилди.

Аёллар орасида тадбиркорликни кенгайтириш мақсадида жорий йилда қишлоқ жойларда

Навоий Вилояти

"МЕХРЖОН" ДИЛЛАРГА МЕХР УЛАШДИ

Нурота, Қизилтепа, Томди ва Учқудуқ туманларида "Мехржон" байрами нишонланди

Нурота туманидаги Эргаш Жуманбулбул ўғли номидаги маданият ва истироҳат боғида "Мехржон" — халқ байрами номи театрлаштирилган байрам шодибаси ҳамда туманда фаолият юритаётган деҳқон-фермер хўжалиқларининг полиз, мева ва сабзавотлардан иборат савдо ярмаркаси ташкил қилинди. "Чўли-ирок" ашула ва рақс ансамбли, "Нуржон" фольклор-этнографик халқ ансамблининг миллий урф-одат ва аъёнларимизни намоён этувчи концерт дастурлари байрамга фойз киритди.

"Кизилтепа туманида ҳам "Мехржон" байрами кўтаринки қаифатда ўтказилди. Мавсум давомида дала юмушлари билан банд бўлган деҳқонлар ҳузурли концерт дастурлари намоён этилди. Самимий учрашувлар, "Ковун сайли", уста деҳқон — Машраб бобо етиштирган маҳсулотлар барчага бирдек манзур бўлди. Тақрибли фермер Зайниддин Ғофуров билан "Ҳосилнинг мўл бўлса, давлатнинг мўл бўлади" мавзуда ташкил этилган давра суҳбати давомида иштирокчилар фермернинг иш тажрибаси билан яқиндан танишди. Шунингдек, илғорлар қаторидаги "Вали" фермер хўжалиги ҳамда "Сардор-2000" фермер хўжалигида "Хорманг энди, бобо деҳқонлар" номи концерт дастури намоён этилди.

"Мехржон" байрами муносабати билан Томди тумани марказий маданият уйида "Ақтау" ашула ва рақс ансамблининг катта концерт дастури, Учқудуқ тумани Кизилкум маданият уйида "Қувноқлар ва зукколар" танлови ташкил этилди.

Байрам сўнгиде жамоалар ва иштирокчиларга жойлардаги туман ҳокимлиги, хомийлар томонидан диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Мухтархон КАРИМОВА, Маданият ва спорт ишлари вазири мутахассиси.

ПЛАСТИК КАРТОЧКА

У устама ҳақ қўйишга сабаб бўлмайди

(Боши 1-саҳифада)

Хусусий тадбиркор Муталиб Мирзаевага қарашли бу дўконда солиқ ходимлари терминал орқали савдо қилишда маҳсулотга 7 фоиз устама ҳақ қўйиб сотилаётганининг устидан чиқди. Шохобча газнасиде ҳисоблаш машинасида ўтмаган 135 минг 900 сўм савдо пули сақланаётганини маълум бўлди. Шунингдек, бу ерда кирим ҳужжатлари бўлмаган 15 турдаги 1 миллион 84 минг сўмлик товарлар сотувга қўйилганлиги ҳам аниқланди. Улар далилий ашё сифатида олиниб, ўзбекистон дўкон эгасига Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг тегишли моддаларига асосан 2 миллион 61 минг сўм миқдорда молиявий жарима солиниди ва ундириб олинди.

Солиқ ходимлари шаҳар Деҳқон бозори ҳудудидаги савдо шохобчаларида ўтказган навабдаги рейд-тектиришларида ана бир ана шундай қўпол қондабузарлик ҳолатига дуч келдилар. Хусусий тадбиркорларга яратилган имконият ва берилган энгилликларни суиистеъмол қилиб, ўз хоҳишича иш тутайтган шоввозлардан бирининг қилимшлари фош бўлди. Товари пластик карточкага сотилаётганининг рўқач қилган Тўхтазин Фозиллов терминал орқали савдо пайтида нархи 4400 сўм бўлган товари 4800 сўмга баҳолаган. Бунинг устига, дўконда кирим ҳужжатлари бўлмаган 543 минг сўмлик 6 хилдаги товарлар савдога қўйилган. Хусусий тадбиркорлигини пеш қилиб, амалдаги тартиб-қоидаларни писканд қилмай келаётган бу дўкон эгасига ҳам Солиқ Кодексининг тегишли моддаларига мувофиқ



1 миллион 552 минг 300 сўм жарима белгиланди.

Урнатилган тартиб-қоидаларни менсимай, аҳолига яратилган қулайликдан ўз манфаати йўлида фойдаланишдан тап тортиладиган устомонлар бундай қинғирликнинг охири вой бўлишини унутмасликлари лозим. Энг муҳими, истеъмолчилар, яъни аҳоли ўз ҳақ-хуқуқини яқши биличи, қондабузарлик ҳолатлари юз берганда жойлардаги солиқ идораларининг ишонч телефонлари хабар бериши шу каби қонунбузарликларга чек қўйишни ҳар бир фуқаро ёдда тутиши керак.

Элдор ИСМОИЛОВ, Фарғона вилояти Давлат солиқ бошқармаси Ахборот хизматининг бошлиғи.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 22 сентябрдаги "Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан "Вазирлик тизимида ишлаб чиқилаётган ҳуқуқий-меърий ҳужжатлар — аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятларда муҳофаза қилишнинг муҳим омил" мавзусида матбуот конференцияси ўтказилди.

ҲУҚУҚИЙ МЕЪРИЙ ҲУЖЖАТЛАР — ТИЗИМ ФАОЛИЯТИ АСОСИ

Конференцияда давлат ва нодавлат матбуот ва ахборот агентликлари, ОАВ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги вакиллари қатнашдилар. Иштирокчилар фавқулодда вазиятлар вазирлигининг биринчи ўринбосари — Бош штаб бошлиғи полковник Тўйчи Турағулов кириш сўзи билан очди. Аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи майор Фахриддин Ғулломов иштирокчиларни 2009 йил давомида аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятларда муҳофаза қилиш бўйича ишлаб чиқилган меърий ҳужжатлар қўлама ва мазмуни билан таништирди. Авария-қутқарув кучлари бошқармаси бошлиғи полковник Раҳмон Иноғомов вазирлик кутубхоналари фаолиятини ташкиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилаётган меърий ҳужжатлар ва уларнинг ижроси, юридик хизмат бошлиғи адлия полковниги Ғанишер Жумаев аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятларда муҳофаза қилишга оид ишлаб чиқилаётган меърий ҳужжатлар ва уларга қўйилган ҳуқуқий талаблар хусусида сўз юритди.

Мутахассислар жорий этилган янги қонунлар ҳамда маъжуд қонунларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар юзасидан берилган саволларга жавоб бердилар.

Иштирокчилар тадбир ташкилотчилари вазирлик тизимида ишлаб чиқилаётган меърий ҳужжатларнинг мазмуни билан аҳолини кенг таништириш ва фуқароларга тарғиб этишда ОАВ ходимларини ҳамкорликда фаолият юритишга давлат эътибори.

Феруза АХМЕДОВА

Қашқадарё Вилояти

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурининг ижроси доирасида "Қашқадарё телеком" филиалига қарашли қишлоқ телефон тармоқларида кенг миқёсда реконструкция ишлари амалга оширилиб, миңлаб аҳоли замонавий алоқа ва интернет хизматларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлди.

ТЕЛЕКОМУНИКАЦИЯ ИМКОНИЯТИ КЕНГАЙМОҚДА

Шу йилнинг тўққиз ойи давомида вилоятдаги 16 та қишлоқда эски русумдаги АТСлар ўрнига умумий сийғими 2816 портдан иборат "Коинот Эл-СГМ" русумли рақамли концентраторлар монтаж қилинди ва фойдаланишга топширилди. Шунингдек, филиалга қарашли туман телекоммуникация боғламлирида сийғими 420 портдан иборат концентраторлар ўрнатилиб, ишга туширилди ва ҳозирги кунда 356 та миқозга ADSL моделлар орқали юқори тезликда ишловчи интернет хизмати кўрсатилмоқда.

Умуман олганда, мамлакатимиз Президентининг 2005 йил 8 июлдаги "Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бажарилиши юзасидан вилоятда мавжуд жами 92664 сийғимли аналог АТСларида реконструкция ишлари амалга оширилиб, монтаж сийғими 82814 сийғимли АТСлар рақамлаштирилди. Рақамлаштириш даражаси 88,7 фоизга етказилди. Хусусан, вилоят ва туман марказларида телекоммуникация тармоқларини рақамлаштириш даражаси 100 фоизни ташкил этди. Қишлоқ телефон тармоқларида эса мазкур кўрсаткич жорий йилнинг бошида 33 фоизни ташкил этган бўлса, 1 октябрь ҳолатига кўра 67,9 фоизгача кўтарилди.

Хусан ТЕМИРОВ, "Qishloq hayoti" муҳбири.

ИЛМНИНГ МЎЪЖИЗАКОР КАЛИТИ

У барча йўллари очади, масалаларга ечим топади

Турли соҳаларда ишловчи инсонлар тўпланган давраларда бўлган шундай савол бериб қолинади: "Сизлар қишлоқ хўжалигида дахлдор илмий ходимсизлар. Бир масалага ойдирлик қилиб берсаларингиз. Ҳозирги пайтда зовур суваридан экинни сугоришда фойдаланиш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Бунинг қандай изоҳлайсизлар? Даврадошларимизга бу масаланинг мазмун-моҳиятини содда тилда тушунтириб берганингиздан кейин улар илм-фан тобора ривожланиб бораётганига ишонч ҳосил қилишди.

Дарҳақиқат, авваллари зовур суваридан сугоришда фойдаланиш усимликлар учун салбий оқибатлар келтиради, деган тушунча мавжуд эди. Чунки кўпчилик зовур сувариде турли тузалар бўлади, бу эса ернинг шўрланишига олиб келади, деб ўйларди. Бу фикрда жон бор, албатта. Уртача ва кучли шўрланган ерларда ёпиқ ва очик, тик ҳамда ётик дренаж тармоқларидан чиқадиган сувда шундай тузалар бирмунча кўп бўлади. Шўрланмаган ерларда зовурларга ташланадиган суварларда эса зарарли тузалар деярли бўлмайди. Чунки бундай ҳудудларда экин майдонларидан чиқадиган ташлама сувар зовурларга оқизилади. Олимларнинг кўп йиллик изланишларидан сўнг

Шоғирлар устоз ҳақида

да, у ярим асрдан бери худди шу илмий даргоҳда фаолият кўрсатиб, қишлоқ хўжалиги ривожини муносиб улушини қўшиб келляпти. У устоз — қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Тешабой Пирохунов раҳбарлигида пахта ҳосилдорлигини оширишда турли микроэлементлардан фойдаланиш янада тақомиллаштириш масалаларини ҳар томонлама илмий жиҳатдан тадқиқ этиб, бу йўналишда муҳим янгиликлар яратди. Шу боис, дастлаб фан номзоди, бирмун-

ча йиллар ўтган эса фан доктори илмий даражасига сазовор бўлди. Абдулла Қориев нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам ўз соҳасининг билимдонлиги сифатида танилган. У Белград, Москва, Тбилиси ва бошқа шаҳарларда ўтказилган халқаро анжуманларда ўз маърузалари билан муваффақиятли қатнашган. Институтимизда фаолият кўрсатаётган Р.Рашидов, Самарқанд Давлат университетиде доцент Т.Макидова, Бухоро Давлат университетиде ишлаётган А.Қодиоров ва бошқалар бу тажрибали мутахассиснинг шоғирлари ҳисобланадилар. Имом Бухорий "Дунёда илмдан бошқа наҳот йўли йўқ ва бўлмағай", мутафаккирлардан Абу Юсуф эса "Илм шундай нарсаки, унга ўзининг бутунлай топширмаганинча ҳеч нарса бермайди", деб таъкидлаган. Устозимиз Абдулла Қориев ўзининг бутун билими, соҳаюкти, онг-шуурини фанга бахшида эътафганлиги боис мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга хизмат қилувчи кўплаб илмий ечимларни топшишга муваффақ бўлиб келмоқда.

Собир ОДИЛОВ, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди. Саидгани НАБИЕВ, Худойберган ЖУМАБЕКОВ, биология фанлари номзодлари.

Жиззах Вилояти

# БУНДАЙ ЭЛНИНГ БАХТИ БУТУН, ЮРТИ ОБОД БЎЛАДИ

Ифтихор

**Олтин водий — қадим Мирза чўлининг адоғи ва ҳад-худудисиз Қизилқум барханлари бошланишида ўтган асрнинг 80-йилларида ташкил топган мўъжазгина қишлоқ. Уша йиллари чўлга ташриф буюрган италиялик журналист Вито Самсоне "За рубежом" нашрида шундай ёзган эди: "Қум барханлари устида қаққайиб турган 4-5 та муваққат капалар, яқиндагина уруғ экинган далалардаги бир нечта вагон уйларида яшаш учун оддий шарт-шароит ҳам йўқлиги қарамой, чўлқуварлар шу қаҳар мамнуният ва гайрат-шижоат билан ишлашардики, сиртдан қараган кишига гўё меҳнат кунининг сўнгис бахт кошонаси эшиги очилади-ю, улар шунга шошаётгандай туюларди. Буни биз келажакка ишонч, деб тушундик. Бундай меҳнатқаш кишиларнинг ростдан ҳам бахтлари бор, юртлири обод бўлади".**

Журналист қаламга олган бу қишлоқ Мустақиллик йилларида гуллаб-яшнади, одамлари бой-бадавлат гўзал гўшага айланди. Унда мамлакатга таниқли фермерлар — Рашида Ёдрова, Абдусалом Ғайбуллаев, Саъдулла Эшбоев, Исоқ Аввалбоев, Абдуолим Мамараҳимов, Душан Аҳмедовлар яшаб, меҳнат қилишади. Жумладан, "Сангзор" фермер хўжалиги раҳбари, "Дустлик" ордени нишондори Рашида Ёдровани олайлик. У бундан 10 йил муқаддам фермер хўжалиги ташкил

этиб, беш йил ичда пахта ҳосилдорлигини гектаридан 22 центнердан 47 центнерга, галла ҳосилдорлигини эса 60 центнерга кўтаришга эришди. У бошқил хўжалигининг ерлари жорий йилда яна 60 гектарга кенгайиб, 316 гектарга етди. 167,5 гектар галлазордан жами 980 тонна бугдой хирмони чошланди. 120 гектар майдондаги пахтазордан қўзланган 300 тонна ўрнига 440 тонна юқори нав "оқ олтин" хирмони бунёд этилди.

— Хўжалигимизга ҳосилдорлиги пасайиб

кетган ер қўшилиб, умумий ер ҳосилдорлигимиз бурноғи йили 47 центнердан анча пасайса-да, яппи даромадимиз қамаймади, — дейди Рашидадан. — Юз миллион сўм соф фойда чамалаб турибми, 160 тонна пахтаимизни уруғликка сотдик. Кейинги қўшиб олган ерларимиз ҳосилдорлиги ҳам келаси йилдан бошлаб 40-45 центнерга кўтарилади. Эллик бош қорамолимиз, беш юзтадан зиёд паррандаларимиз ҳам яхшигина даромад келтирмакда.

Шу қишлоқда яшайдиган меҳнат фахрийси, муҳир ветеринария врачси Комилжон Турабоев ҳузурига тажриба ўргангани нафақат қишлоқдошлари, балки қўшни туман ва вилоятлардан ҳам кўплаб чорвачилик ихлосмаңдлари тез-тез келиб туришади.

Йигирма гектар майдонда ток ўстириб, ҳар йили мўл-кўл узум ҳосили етиштириётган соҳибдор Абдусалом Холиқовнинг таъриф-таъсифи ҳам бир дoston. У бошқил миришкорлар чўл шароитида ноёб узум навларини тиклаш билан бирга, ёз ойларида туман марказий шифохонаси беморларига, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларига, галла ўрими йиғими иштирокчиларига ва чўлнинг кек-

са фахрийларига хуштам узумлар етказиб бериб, олқиш олаётган инсонлардир.

Шу қишлоқлик Абдусалом Ғайбуллаев эса ўзининг "Солин" фермер хўжалигида деҳқончилик ишларини намунали йўлга қўйиб, ҳар йили пахта ва галладан мўл ҳосил етиштириш билан бирга 12 гектар майдонда мевазор бог ва тоқзор барпо этиб ҳамда 4 минг бош парранда боқиб, эл маъмуричилигига муносиб улуш қўша бошлади.

— Биз нафақат тадбиркор фермерларимиз, уста пахтакор, галлакор, чорвадор, богбону соҳибдорларимиз билан, балки эл саломатлиги жонқурлари бўлган Темир Назаров, Фарҳод Пардаев, Урол Назаров каби шифокорларимиз, Шавкат Низомов, Гулбахор Аввалбоева сингари ўқитувчиларимиз, маданият, маиший хизмат ва савдо ходимлари билан ҳам гоьтада фахрланамиз, — дейди республикада хизмат кўрсатган пахтакор Турдидой ҳожи Абдусатторов. — Энг катта фахру гуруримиз эса юртимиз мустақиллиги туфайли мамлакатдаги минглаб қишлоқлар қатори бизнинг қишлоғимиз ҳам тобора гуллаб-яшнаётгани, Юртбошимизнинг биз деҳқонларга доимий эътибор ва ғамхўр-

лик кўрсатаётганидир. Мана оддий мисол, истиклол йилларида қишлоғимизда "Ешлар боғи" ташкил этилди, ташландиқ кинохона қайта қурилиб, мухташам маданият саройига айлантирилди. Ушлаб замонавий маданият-маиший, савдо шохобчалари ишга тушди. Сервис хизматининг бир неча туридан фойдаланаямиз. Кеча ҳисобласам, 4,5 мингдан зиёд аҳоли яшовчи қишлоғимизда шу йилнинг ўзида йигирмага яқин ҳовли тўйи бўлибди, 12 жуфт ёшлар оила қуришибди.

— Президентимизнинг "Қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори эълон қилинган, ҳовли-жойларини қайта қуришга, янги лойиҳадаги уйлар барпо этишга ҳаракат қилаётганлар кўпайиб қолди, — дейди "Олтин водий" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Улуғбек Қўчқоров. — Қишлоғимиз четидан ер ажратиб, бир нечта янги лойиҳа тайёрлатдик. Лойиҳаларимизда янги ҳовли-жойларнинг алоҳида меҳмонхонаси, катталар ва болалар ётоқхонаси, ошхона ва дам олиш хонаси, ваннахонаси бўлиши назарда тутилди. Ичимлик сув, иситиш, канализация тизимлари пухта режалаштирилди ва амалий ишлар бошлаб юборилди.

Олтин водийликлар ҳузуридан қайтарканмиз, беихтиёр кўнглимиздан ўша хориқлик журналистнинг "...Бундай меҳнатқаш кишиларнинг ростдан ҳам бахтлари бор, юртлири обод бўлади" деган сатрлари хаёлимиздан ўтди.

Келдиёр ЖўРАКУЛОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Самарқанд Вилояти

## ФАЛВИР СУВДАН КЎТАРИЛГАНДА...

Ширкат хўжаликлари тугатилиб, ер мулкдорларга бўлиб берилганлиги деҳқоннинг озуғи ушалгани билан баробар. Ихтиёримиздаги ерга асосан галла, пахта экамиз, маълум қисми эса тўтзордан иборат.



Жорий йилда аъзоларимизнинг меҳнати туфайли салмоқли натижаларга эришдик. Давлатга 65 тонна галла сотиб, 20 тоннасини ишловчиларга тарқатдик. Шунингдек, кам таъминланган оилалар, қарамоғида ҳеч қимми бўлмаган қарияларга ҳам етиштирган маҳсулотлардан улашилди. 54 гектар пахтазордан давлатга 170 тонна сифатли хомашё сотилди. Унинг асосий қисми юқори навларга қабул қилинди.

Йиғим-терим мавсумида теримчиларга 15 миллион сўмдан кўпроқ пул тарқатилди. Шу билан биргаликда илгорларга қимматбаҳо совғалар улашилди.

Ютуқлар замирида сувчилардан Эгамберди Аннакулов, Шокир Хайдаров, Жамол Бобомуродов, Элдор Эшоннов, теримчилардан Фароғот Аннакулова, Марғуба Эгамбердиева, Нафиса Эшонваларнинг беминнат ҳиссалари мужассам.

Сарҳисрб бўйича мўмай даромад олишимизкўзда тутиляпти. Унинг асосий қисми фермер аъзоларнинг фаровонлигини янада оширишга йўналтирилади.

Ҳомит ЭШОНОВ, Нарпай туманидаги "Ҳосил пахтакор" фермер хўжалиги раҳбари.

Бухоро Вилояти

## БОҒИАФЗАЛ "СОҲИБ" И

Шофирконлик Мирзо Ботиров ўн етти йилдики, мулкдор сифатида "Соҳиб" фермер хўжалигини бошқариб келади. Ўтган даврда у тадбиркорлигини ҳар томонлама шакллантириб олди. Унинг иқтисодий аҳволига, техника ва меҳанизмларига ҳавас қилса аризулик.

Иккита чопик, битта хайдов трактори ва бошқа меҳанизмлар экин майдонларида зарур агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш имконини берапти. 13 нафар ишловчи яратилган шарт-шароитлар ва моддий рағбатлантиришлар ишлаб чиқаришда мўҳим омили бўлмоқда. Шу сабабдан хўжаликнинг экин ерлари чўл массивида жойлашган бўлса-да, кўрсаткичлар таҳсинга лойиқ. Галла ва пахта ҳосилдорлиги дастлабки йили гектар бошига бор-йўғи 20 центнердан ошмапти. Бу йил галла майдонларидан 80 центнердан ҳосил олинди. Аъзоларга 2 тоннадан дон натурасифатида берилди. Пахтачиликда ҳам ҳосилдорлик кўрсаткичи салкам 40 центнерга етказилди.

Фермер жорий йилда 2 гектар майдонда полиз ва савзавот маҳсулотлари етиштириб, юқори самарга эришди. Бундан ташқари 100 бош қўй, 20 бош қорамол ва 300 бош товуқ парвариш қилинмоқда.

Мирзо Ботировни Боғиәфзал қишлоқ фуқаролар йиғинида савоатпеша мулкдор сифатида ҳам яхши билишади. Унинг бу борадаги эзгу ишлари бир талай. Янги жилван қишлоғида қурилиб, фойдаланишга топширилган ҳамиллик масканига фермер 17 миллион сўм маблағ ажратди. Чарқар ота кабристонини ҳам мулкдор томонидан ободонлаштирилмоқда. Шу маҳалладаги 20 га яқин эҳтиёжманд оилаларга моддий ёрдам кўрсатилляпти.

Мулкдорнинг келгуиси режалари ҳам бисёр: 1 гектар бог барпо этиш, туман марказида янгидан қад ростиляётган деҳқон бозорига иккита дўкон очиб, қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотлари савдосини йўлга қўйиш, қорамол, парранда бош сонини кўпайтириш, шу йўл билан янги иш ўринлари яратиш кабилар шулар жумласидандир.

Ҳамроҳ АЛИ



## ҚИШЛОҚДА ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИКНИ ТАЪМИНЛОВЧИ КУЧ

Сурғарё Вилояти

## ОЗУҚА ТАЪМИНОТИНИНГ ТАКОМИЛЛАШГАН ТИЗИМИ

У чорвачиликда муваффақиятларга омил бўлмоқда

Президентимизнинг 2008 йил 21 апрелдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига чорва моллар бoш сонини кўпайтиришни кўчайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори тармоқ озуқа тизимини такомиллаштириш имконини яратди. Қарорга кўра ташкил этилган ихтисослаштирилган бирлашма ва шохобчалар орқали чорва учун зарур озуқалар аҳоли ва фермерларга етказиб бериляпти. "Сурғарё омихта эм" бирлашмаси раҳбари Шухрат ЖАББОРОВ билан суҳбатимиз ана шу кулайлик ва белгиланган вазифалар ижроси ҳақида бўлди.



Бозорбой БЕКМУРОДОВ суҳбатлашди.

— Президентимизнинг қарорига асосан вилоятимиз туманларида қунжара ва шелуха сотишга ихтисослашган 8 та бирлашма ва 56 та шохобча ташкил этилди. Вилоятнинг узoқ худудларида аҳоли талаби, эҳтиёждан келиб чиқиб, шу йилнинг ўзида, яна бунга қўшимча 12 та шохобчани ишга туширдик. Айни вақтда вилоятда 68 та ем тарқатиш шохобчаси чорвачиликка йўналтирилган фермер хўжаликлари, йирик чорвачилик ва паррандачилик билан шуғулланаятган тадбиркорлар ва аҳолига йил давомида нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан қунжара ва шелухани етказиб бермоқда.

— Таъминотда такомиллашган тизимнинг йўлга қўйилиши натижасида яратилган кулайлик хусусида тўхтайсангиз?

— Қувонарли жиҳати шундаки, авваллари ем тарқатиш, сотиш фақат "Тулистон-Экстракт" хиссадорлик жамияти зиммасига юклатилган бўлса, эндиликда вилоятда учта ёмғир ишлаб чиқариш қорхонаси фаолият кўрсатаптир. Масалан, Сурғарё, Сайхунобод туманлари аҳолисини асосан "Бахт мой инвест" масъуляти чекланган жамиятидан олишаётган бўлса, Окoл-

тин, Сардоба туманларида мол боқувчиларга "Бахт Оқолтин ёғи" хусусий қорхонаси орқали етказиб бериляптир. Таксимотнинг тўғри, жадал асосида йўлга қўйилганлиги узoқ туманларда фаолият кўрсатаётган ем тарқатиш шохобчалари ишсини осонлаштириш баробарида вақтни тежаш, транспорт воситаларида 80-100 километрга ортиқча йўл босиш, ёқилгини тежаш имконини ҳам бераптир. Аниқ далилларга таяниб айтганидан бўлса, 2009 йилнинг январь-сентябрь ойларида 3 та ёмғир қорхонаси орқали шахсий мол боқувчи ва фермерларга жамиятимиз томонидан 18323 тонна шрот, 14192 тонна шелуха етказиб берилди ва банк кассаларига 4,8 миллиард сўм пул тушиши таъминланди. Мол боқувчилар талабларига биноан Сурғарёдан вилоятдан 35 тонна мол тузи келтирилди, шохобчалар орқали сотилди.

— Тизимнинг муваффақиятли фаолияти учун мустаҳкам база, хусусан, техник ва технология база зарур. Бу борадаги аҳвол қандай?

— Ем сотишдан олинаятган фойда хисобига 8 та бирлашмада намунали зооветеринария пунктлари ва дорихоналар қуриб битказилди.

## Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли.

(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 36-модда)

## ШУ ЙИЛНИНГ 9 ОЙИДА:

7 миллион тоннадан ортиқ галла етиштирилди ва бу ўтган йилнинг шу давридаги га қараганда 10,2 фоизга кўпдир. Савзавот етиштириш 10,4, картошка етиштириш 12,1, полиз экинларини етиштириш 13,7, мева ва резаворлар етиштириш 12,8, узум етиштириш 20,9 фоизга кўпайди.

Чорвачиликни ривожлантириш дастури доирасида кимшоғи савдолари орқали шахсий ёрдамчи ва фермер хўжаликларига қарийб 19 минг бош зотдор мол сотилди, кам таъминланган оилаларга беғараз асосда 15 мингтадан зиёд сигир берилди. 145 та зооветеринария пункти ва сигирларни сунъий урчитиш бўйича 78 та пункт ташкил этилди. 2008 йилнинг шу давридаги нисбатан қорамол сонини 7,1 гўшт етиштириш 7,3, сут етиштириш 8,2 фоизга кўпайди.

Фарғона Вилояти

Президентимизнинг Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнатқашларига йўллаган табриғида мамлакатимизнинг илгор фермерлари қаторида Кува туманидаги "Олтин диёр" фермер хўжалиги ҳам саноб ўтилган. Унинг раҳбари Мамасодиқ Сиддиқовнинг бутун барча ҳамқишлоқлари ўзлари учун энг яқин кўмакчи деб билишади.

## МАҲАЛЛА ҲОМИЙСИ

Бундан 3 йил олдин тендерда голиб чиқиб, Кува туманида "Олтин диёр" фермер хўжалигини ташкил этган Мамасодиқ Сиддиқов ўтган даврда пахта ва галладан мўл ҳосил олиб, имкониятини янада кенгайтирди. Унинг деҳқончиликдаги ишлари тажрибали пахтакорлар, мутахассислар, олимларга ҳам маъқул келиб қолди. Ҳамманинғ ҳурмат ва эътиборини қозонди.

— Мамасодиқ ҳақиқий тадбиркор инсон, — дейди 75 ёшли Ёқубжон ота Маҳмудов. — Илгари ҳам қўлидан келганча ҳамма меҳр-муруват кўрсатар эди. Фермер бўлгандан буён эса маҳалламизнинг ҳақиқий ҳомийсига айланди. Масалан, ким тўй қилса нон харажати кўтаради. Ободончилик ва ҳашарларда доимо бош-қош...

Ёқубжон отанинғ гапларини Салимжон Ҳожиматов, Мухторжон Мамажонов каби фаоллар ҳам тасдиқлар экан, маҳалла гузарини таъмирлашга 1,5 миллион сўм сарфлагани, хайит, Наврўз ва Мустақиллик байрамлари, бошқа тантаналарда барчани қўллаб-қувватляётганини миннатдорчилик билан сўзлашди.

Қашқарё Вилояти

## "БАХТ"НИНГ ДАДИЛ ОДИМЛАРИ



Чўпон Урол СУЙРОВ: «Бахтнинг бахти шу дала ва моллардан».

## Қарши туманидаги "Бахт" фермер хўжалиги кўп тармоққа ихтисослашган.

Дастлаб 13,5 гектар майдонда тўрт нафар ишчи меҳнат қилган бўлса, бугун уларнинг сонини юз нафарга етди. Ҳозирги кунга келиб хўжаликда 500 бошга яқин "Қизил чўл" зотли қорамол ва юз бошга яқин қўй-қўзи боқилмоқда. Шунингдек, 196 гектар суғориладиган ерда чорва озуқаси етиштирилади.



Баликчи Фулом Қаршиев: «Олтин балик эмасу, даромади олтинга тенг».

Шомурод ШАРОПОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Ҳошимжон НУРИДДИНОВ

# ЧЕГАРА БИЛМАС ГРИППНИ ЧЕКЛАШ МУМКИНМИ?

Кунлар соғий бошлаши билан хавотирга тушамиз: "Шамоллаб қолмаслик учун нима қилиш керак?" Албатта, биринчи галда иссиқ кийимларимизни кўздан кечирамиз. Атроф-муҳитдаги ўзгаришлар аввало ёш болалар соғлиғига тез таъсир ўтказиши. Шу боис ҳаво ҳарорати пасайган кезларда уларга янада эътиборлироқ бўлиш лозим. Чунки айнан кеч куз, қиш, эрта баҳорда грип касаллиги аҳоли ўртасида кўпайиб учрайди. Грипп дунёда энг кўп ва оммавий тусда тарқалган жуда тез юқадиган юқумли касаллик ҳисобланади.



### МАСЛАХАТ

Агар томоғингиз оғриб, ангина ёки грип бўлсангиз, шойшаба ўраниб олган ҳафта тез-тез сувоқлик (чай, сут, кофе, шартлар ва ҳ.к.) ичиб туриш. Илоҳи борича, сувоқ оқлатлар ёки бутқаларни истеъмол қилинг. Томоғингизни мойичечак, қуритилган ялиз дамламасига чайсангиз, касалликни енгишида яхши наф берди.

Уйқудан олдин бир стакан қайнатилган сутга 1 дона туҳумни қақиб яхшироқ араштираш ва илқ ҳолда ичиш. Бу ичимлик йўтални босади.

Яна бир маслаҳат. Битта туҳумни бир стакан илқ сувга қақиб томоғингизни чайсангиз, микроблар туҳумга ўтиб, албатта дародан фори бўласиз.

Истиқомат чиқарган кишига ўз билангина дори-дармон қилиб бўлмайди. Агар ҳарорат жуда юқори бўлса, бемор танасини спирт ёки арок билан артиш лозим. Тананинг турли қисмларига, яъни пешона, чакка, ва қўлтиқ остига сувоқ сувда намланган латта қўйиш мумкин. Беморга асал, лимон ёки машина чай бериш тавсия этилади.

Катта ёндаги беморларнинг иситмаси 38°C дан ошиб кетса, парацетамол, панадол, цитрамон ёки анальгин каби дориладан бирини бериш мумкин. Чақалоқ ёки кичик ёндаги болаларда иситма кўтарилса, дарҳол шифокорга мурожаат қилиш керак.

дида жойларда грип ва ўткир респиратор касалликларнинг олдини олиш ва уларни камайтириш чора-тадбирларига бағишланган семинар ҳамда давра суҳ-

батлари ўтказиб келинмоқда. Чет эллардан келаятган фуқароларнинг асосан ҳаво транспортдан фойдаланишини эътиборга олиб, Тошкент халқаро аэропорти ва вилоятлардаги аэропортларда фаолият кўрсатаётган санитария назорат постларида кечаю кундуз ишлайдиган тиббиёт ходимларидан ташкил этилган гуруҳлар тузилди. Санитария назорати пунктларида йўловчиларнинг узоқ вақт тўпланиб қолишларининг олдини олиш ва уларни тезкор равишда тиббий сўров қилиб, тана ҳароратларини қисқа вақт, яъни бир неча секундда аниқлайдиган контактсиз термометрлар билан таъминланган.

Шунингдек, аҳоли ўртасида ҳам грип касаллигининг олдини олиш чора-тадбирларини тушунтириш юзасидан мутахассислар иштирокида учрашувлар ўтказилмоқда.

Мутахассисларнинг маълумотига кўра, аҳоли орасида учраб турадиган мавсумий грип, ўткир респиратор касалликларни чақирувчи ва А (H1N1) гриппи ҳам ташқи муҳит омилларига, айниқса, юқори ҳароратга чидамсиз бўлиб, +70°C да қисқа муддат ичида қайнатилганда, дезинфекцияловчи моддалар ва ультрабинафша нурлар таъсирида тез ноубуд бўлади. Паст ҳароратда эса вирус йиллаб яшаши мумкин.

Уй шароитида бемор ётган хона ҳароратини бир маромда сақлаш, хона ҳавосини алмаштириб туриш, бемор фойдаланган идиш-товоқлар, сочиқ-чойшаблар ва бошқа воситаларни қайнатиб ёки дезинфекция қилиш зарур бўлади. Бемор билан мулоқотдаги шахслар 6-8 қаватли дока ниқобларда бўлишлари шарт.

Спорт билан шуғулланиш, очик ҳавода сайр қилиш, об-ҳавога мос кийиниш ҳамда тўғри ва сифатли овқатланиш инсон организмнинг мазкур касалликка бўлган чидамлигини оширади. Шунингдек таъкидлаш керакки, аҳолининг шифокорларга мурожаат қилмасдан турли дори воситалари ва антибиотикларни билиб-билмай қабул қилиши ноҳуш оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Демак, мазкур юқумли касалликка чалинмаслик учун ўзимиз ва ақинларимиз саломатлигига эътиборлироқ бўлиб, соғлом турмуш тарзи ва гигиена қоидаларига амал қилиш талаб қилинади.

Феруза ЭГАНОВА



# СПОРТ

## ОСИЁ КУБОГИ — 2011: ДАСТЛАБКИ БОСҚИЧ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯҚУНЛАНДИ

Жаҳон чемпионатида чиқиш учун кураш олиб борган терма жамоалар билан параллел равишда Осиёда терма жамоалар Осиё кубоги 2011 саралаш гуруҳи учрашувларини ўтказишди.

Меҳмонда Малайзия терма жамоасини 1:3 ҳисобида енгган Ўзбекистон терма жамоаси финал турнирига йўланма олган биринчи жамоа бўлди. Шунингдек, Сурия, Ироқ, Саудия Арабистони, Жанубий Корея, Катар ва Ҳиндистон терма жамоалари ҳам Осиё кубоги 2011 йўланмасини мuddатидан аввал қўлга киритиб улгуришган.

Жаҳон чемпионати йўланмасини Янги Зеландия терма жамоасига бой берган Баҳрайн терма жамоаси эса бор аламини Яман терма жамоасидан олган кўрилади. Баҳрайн — Яман 4:0.

Колган учрашувларда куйидаги натижалар қайд этилди:

Гонгконг-Япония 0:4, Индонезия-Кувайт 1:1, Таиланд-Сингапур 0:1.



Малайзия терма жамоаси дарвозасига киритилган иккинчи тўпни нишонлаш пайти.

## ЖЧ — 2010: ЭНГ КУЧЛИ 32 ТА ТЕРМА ЖАМОА НОМИ МАЪЛУМ БЎЛДИ

2010 йилда Жанубий Африка Республикасида бўлиб ўтадиган Жаҳон чемпионатида иштирок этувчи барча 32 та терма жамоа аниқланди. Ушбу жаҳон чемпионатида МДХ давлатларидан биронта ҳам жамоа иштирок этмайди.



Меҳмонда Словения терма жамоасига 1:0 ҳисобида имкониятни бой берган Россия терма жамоаси иккинчи ўйин натижасига кўра (биринчи ўйинда 2:1 ҳисобида Россия терма жамоаси галаба қозонган эди) Жаҳон чемпионати йўланмасидан мосуво бўлди. Ўйинни Гус Хиддинк шогирдлари 9 киши бўлиб яқунлаганини таъкидлаш жоиз. Россия терма жамоасидан А.Кержаков ҳамда Ю.Жирков қизил картонка олиб майдонни тарқ эттишти.

Меҳмондан дуранг (0:0) билан қайтган Украина терма жамоаси эса ўз уйида Греция терма жамоасига 0:1 ҳисобида ютказиб қўйди.

Уз уйида Ирландия терма жамоасини қабул қилган Франция терма жамоаси ҳам "бир амаллаб" мундиалга чиқиб олди. Учрашунинг асосий вақти 0:1 ҳисобида ирландлар фойдасига ҳал бўлди (Биринчи ўйинда 0:1 ҳисобида Франция терма жамоаси галаба қозонган). Қўшимча таймларнинг биринчи бўлимида Ирландия терма жамоаси жарима майдончасига Флоран Малуда томонидан узатишган тўп майдондан ташқарига чиқиб кетаётган бир вақтда Тьерри Анри тўпни қўли билан тўхтаб қилиб, шериғига узатди ва бу тўп узатиш голга айланди — 1:1.

Португалия эса Босния ва Герцеговина терма жамоасини уйда ва меҳмонда бир хил 1:0 ҳисобида енгди.

Азиз НУРУЛЛАЕВ

### КУМУШ УЗУМНИНГ ОЛТИН МАЙИЗИ

Халқ орасида "майиз" деб юритиладиган қуритилган узум ўзининг шифобахш хусусияти билан ажралиб туради.

Майиз киши танаси учун фойдали. Унинг таркибида 65-70 фоиз тез ҳазм бўладиган шакар, турли кислоталар, азот моддалари, ҳар хил витаминлар мавжуд.

Майиз тайёрлашнинг бир неча усуллари бор. Олдин усуллари билан бири — узумни бордон ёки сувалган майдонга ёйиб, офтобда қуритишди. Бунда узум 20-30 кунда қуриydi. Ишқор эритмасига ботириб олинган узум 7-10 кунда қуриб, ундан 25-30 фоиз майиз тушиши мумкин. Сифатли майиз олиш учун эса узум сояқоналарда қуритилади. Бундай шароитда узум 4-8 ҳафтада қуриб, 20-25 фоиз майиз тушади. Бундай майиз ширадор, рангдор (кўкмигр) бўлиши билан бирга унинг таркибида 80-85 фоизгача қанд, 0,5-3 фоизгача органик кислоталар, 12 фоиздан зиёд азотли моддалар бор.

Узумчилик ва майиз тайёрлаш, айниқса, V-VIII асрларга келиб жуда ривожланди. Чунки бу даврда республикамизнинг ҳозирги худудидан Арабистон, Ҳиндистон ва Эронга борадиган муҳим савдо йўллари ўтар эди. Уша даврларда айрим давлатлардан янги тоқ навлари келтирилиб, тоқзорлар янада кенгайтирилди.

Лалмикор ерларда тоқзорлар барпо этишга эътибор қўйди. Лалмикор ерли тоқзорларнинг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 40-60 центнердан ҳосил олинмоқда. Шу тариқа аҳолининг майизга бўлган талаблари қондирилмоқда.

Акбар АЛИЕВ тайёрлади.

# "ВОЛГА" АВТОМОБИЛЛАРИГА МАКСИМАЛ ЧЕГИРМА



**AVTODOM PLUS**  
"ГАЗ" РУСУМИНИНГ РАСМЙ ДИЛЕГЕРИ WWW.AUTO.UZ

Автосалон:  
Тошкент ш., Бунёдкор кўч. 118.  
Тел.: (99871) 140-41-21, 140-41-22.  
Офис:  
Тошкент ш., 100015, Шахрисабз кўч. 16 "а"/  
Тел./факс: (99871) 256-03-62, 256-13-01.

## Uzkimyo sanoat

давлат акциядорлик компанияси

шу йилнинг 25-27 ноябрь кунлари минерал ўғитлар, дефолиантлар, ўсимликларни химоя қилиш кимёвий воситалари ва кимё саноатининг бошқа турдаги маҳсулотлари бўйича навбатдаги ярмарка савдосини ўтказилади.

Ярмаркада нефтькимё, кон, озиқ-овқат саноатлари, агросаноат мажмуаси, теплица хўжаликларига ҳамда кичик ва ўрта бизнес субъектлари эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикаси кимё саноати корхоналарининг маҳсулотлари намойиш этилади.

Ярмарка савдоси 2009 йил 25 ноябрь кўни эрталаб соат 10:00 "Узкимёсаноат" ДАК кўргазмалар марказида очилади. Манзил: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 38.

**Бош муҳаррир**  
Чори ЛАТИПОВ

**МУАССИСЛАР КЕНГАШИ**  
Сайфиддин ИСМОИЛОВ, Эркин КУДРАТОВ, Фарход ОМОНОВ, Рафиддин БҮРҒИЕВ, Фуломжон ИБРАГИМОВ, Санд АРАБОВ, Сандином САИДЖАЛОЛОВ, Баҳодир АБДУҚОДИРОВ, Илхом ХАЙДАРОВ, Нарином УМАРОВ, Абдурахмат БОЙМУРОДОВ, Мухаммад ЖУМАГАЛДИЕВ, Садриддин РАСУЛОВ, Виктор ЧУБ, Шуҳрат ТОШМУРОДОВ, Шуҳрат НУРМАТОВ, Адилбек АХМЕТОВ, Шамсиддин ЭСОНБОВ, Зинбууддин ОБИДОВ, Хажимжон УМАРХУЖАЕВ.

**ТАХРИР ХАЙЪАТИ:**  
Алпийт АДИЛОВ, Гофир АЛИЕВ, Тўпалбой ҚАРИМОВ, Шуҳрат ГАНИЕВ, Уктам БАҒНОЕВ, Утқир РАҲМАТ, Қосимжон МАМАЖОНОВ, Жуманазар ЖАББОРОВ, Хайбат ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Руслан ҚОСИМОВ, Омиролла ЮНУСОВ, Шерафуддин РУЛОМОВ, Муроддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Қабулхона — 236-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 236-54-44, 233-28-04, Котибхона — 233-95-17, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.  
ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:  
Корквалистон Республикаси — 585-16-12; Андижон — 224-99-13; Бухоро — 542-05-18; Жиззах — 366-61-16; Навоий — 224-09-08; Наманган — 224-81-69; Фарғона — 223-35-98; Самарқанд — 222-29-97; Сирдарё — 588-06-89; Тошкент — 100-29-61; Хоразм — 750-82-39; Қашқадарё — 221-59-40; Сурхондарё — 392-50-42.

**Реклама ва эълонлар**  
233-44-43, 775-04-73, 236-58-83, 233-28-04.  
Реклама ва эълонлар моти учун буюртмани жавобгар қилинади.

**МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000, Тошкент, Магбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
E-mail: info@qishloqhayoti.uz

**Навбатчи:**  
М.ЮСУПОВ  
Муҳаррир:  
О.ОЧИЛОВ  
Дизайнер:  
М.ШУКУРОВ